

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“SURXON PARMALASH ISHLARI”
aksiyadorlik jamiyati aksiyadorlarining
2016 йил 24 июндаги умумий йиғилиш
қарори билан. БАҲИНОМА №1**



«SURXON PARMALASH ISHLARI»

aksiyadorlik jamiyati

**Тафтиш комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМИ**

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом “SURXON PARMALASH ISHLARI” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда “Жамият” деб аталади) тафтиш комиссияси мақомини белгилайди ва унинг ишини, аъзоларини сайлаш тартибини, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонунига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ва жамият уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Тафтиш комиссияси жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш функциясини амалга оширувчи жамиятнинг ички назорат органи ҳисобланади.

1.4. Тафтиш комиссияси амалдаги қонунчилик ва жамият уставига мувофиқ жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг ишончлигига доир ҳужжатларга баҳо бериш, бухгалтерия ҳисобини юритилиши, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш тартибларини бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборотларни аниқлаш каби ишларни амалга оширади.

1.5. Жамиятнинг молия – хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгаши ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

1.6. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

1.7. Тафтиш комиссиясининг фаолияти мобайнида ушбу низомда кўзда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда жамият Уставига мувофиқ ҳал этилади.

2. Тафтиш комиссиясининг функциялари

2.1. Тафтиш комиссияси ўз фаолияти мобайнида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- акциядорлик жамиятининг молиявий ҳужжатларини, хатловдан ўтказиш бўйича тузилган ички комиссиянинг ҳисоботларини текшириш ҳамда ушбу кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни бухгалтериядаги бирламчи маълумотлар билан солиштириш;

- акциядорлик жамияти томонидан амалга оширилган битимлар бўйича тузилган шартномаларнинг амалдаги қонунчиликка тўғри келиши ҳолатларини текшириш;
- бухгалтерия ва статистик ҳисоботларни юритилишини амалдаги норматив ҳужжатларга мос келиши бўйича таҳлил ишларини амалга ошириш;
- молия-хўжалик, ишлаб чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишларни норматив ҳужжатлар ва қоидаларга мос келиши юзасидан текширув ишларини амалга ошириш;
- маҳсулот етказиб берувчилар томонидан тўловларни ўз вақтида тўланиши, бюджетга тўловлар, ҳисобланган иш ҳақи, дивидендлар бўйича тўловлар, облигациялар бўйича ҳисобланган фоизлар ҳамда бошқа қарздорликларни тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши ҳолатларини текшириш ва назорат қилиб бориш;
- акциядорлик жамияти томонидан солиқ, статистика ва бошқа давлат органларига топширилаётган ҳисоботларни, жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, даромадлар ва харажатлар ҳисоб-варақларини, фойдани тақсимлашни ҳамда бухгалтерия балансининг тўғрилигини текшириш;
- жамият ижроия органи томонидан қабул қилинган қарорларни жамият уставига, низомларига ва акциядорлар умумий йиғилиши қарорларига мос келишини текшириш;
- акциядорлар умумий йиғилиши қарорларини таҳлил қилиш ҳамда ушбу қарорларда амалдаги қонунчилик нормаларига зид ҳолатлар учраса, уларни бартараф этиш бўйича акциядорлар умумий йиғилишига тегишли таклифлар киритиш;
- жамиятда аффилланган шахслар билан тузилган битимлар ёки йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани ҳар чоракда кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқиш.

3. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари

3.1. Тафтиш комиссияси ўзига бириктирилган функцияларни бажариш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- жамиятнинг бошқарув органлари, бўлимлари ва бошқармаларидан, мансабдор шахслардан тафтиш комиссияси иш фаолиятига керак бўлган барча ҳужжатларни, (маълумотларни) олиш. Ушбу ҳужжатлар (маълумотлар) тафтиш комиссиясига унинг ёзма талаби берилган кундан икки кундан кечиктирмай берилиши зарур;
- жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текширувлар яқунлари бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда ва ушбу камчиликлар акциядорлик жамияти манфаатига зарар келтириши мумкинлиги аниқланган тақдирда, ваколатли шахслардан зудлик билан акциядорлар умумий йиғилишини ёки Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб этиш;
- жамиятнинг ҳар бир ишчи-ҳодимларидан (мансабдор шахслардан) ўз ваколати доирасида тушунтиришлар талаб қилиш:

- шартнома асосида акциядорлик жамиятида ишламайдиган мутахассис ходимларни ишга жалб қилиш;
 - жамиятнинг бўлим ва бошқармалари ишчи-ходимлари ҳамда мансабдор шахслари олдига улар томонидан белгиланган низомлар, қоидалар ва инструкцияларни бузганликлари учун саволлар қўйиш.
- 3.2. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига улар ўз вазифасини бажариб турган давр учун ҳақ тўланади ва тафтиш комиссияси аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни қопланади.
- 3.3. Тафтиш комиссияси аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 2,5 (икки ярим) баробари миқдорда ҳақ тўланади.

4. Тафтиш комиссиясининг мажбуриятлари

- 4.1. Текшириш мобайнида тафтиш комиссиясининг аъзолари ўрганилаётган маълумот ва ҳужжатларни тўлақонли ва сифатли даражада кўриб чиқишлари керак. Нотўғри ёки қониқарсиз даражада берилган хулосалар учун улар амалдаги қонунчиликка кўра ва умумий йиғилиш томонидан белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 4.2. Тафтиш комиссияси ҳар чорак якуни бўйича жамият кузатув кенгашига йирик битимлар ёки жамият аффилиланган шахслари иштирокида битимлар мавжудлиги ҳамда бундай битимларни норматив қонун-қоидалар ва жамиятнинг ички норматив ҳужжатлари талабларига мос келиши ёки келмаслиги бўйича хулосалар киритади.
- 4.3. Тафтиш комиссияси қуйидагиларга мажбур:
- текширув натижалари бўйича тайёрланган хулосаларни ва барча ёзма равишдаги хабарларни акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва жамият ижроия органига ўз вақтида етказиш;
 - ўз вазифаларини бажариш мобайнида жамият фаолиятига боғлиқ бўлган барча тижорат сирларини сир сифатида сақлаш, бегона шахсларга ошкор этмаслик;
 - ваколатли органлардан жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текширувлар якунлари бўйича аниқланган камчиликлар акциядорлик жамиятни манфатига зарар келтириши мумкинлиги тасдиқланган тақдирда ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланган тақдирда акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб этиш;
- 4.4. Тафтиш комиссияси кузатув кенгашига акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишидан олдин ўн кундан кечиктирмай йиллик молиявий ҳисобот ва баланс бўйича хулосани тақдим этади.
- Тафтиш комиссияси жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган текширув якунлари бўйича хулоса тузади, бу хулосада:
- жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига берилган баҳо;
 - бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга

ошириладиганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт;

Тафтиш комиссияси томонидан режадан ташқари текширувлар акциядорлик жамиятнинг умумий овоз берувчи акцияларининг камида 5 (беш) фоизига эгаллик қилувчи (акциядор) акциядорларнинг ёки Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилган қарорига асосан ўтказилади.

5. Тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш

5.1. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамият молия йили тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай акциядорлар умумий йиғилишида сайлаш учун тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатишга ҳақлидирлар. Битта аризадаги номзодлар сони жамият тафтиш комиссияси аъзолари сонидан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

5.2. Акциядорлар (акциядор) тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

5.2. Номзодларни тақдим этиш бўйича ариза ёзма равишда жамият почта манзилига хат юбориш ёки шахсан девонхонага топшириш орқали амалга оширилади.

5.3. Аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши шарт:

Номзоднинг фамилияси, исми-шарифи, унга тегишли бўлган акциялар миқдори ва тури (агар номзод жамият акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

5.4. Кузатув кенгаш жамият Уставида аризаларни қабул қилиш муддати тугаганидан кейин 10 кундан кечиктирмай тақдим этилган аризани кўриб чиқиши ва уни акциядорлар умумий йиғилиши тасдиқлаши учун номзодлар қаторига киритиш бўйича қарор қабул қилиши ёки рад этиши керак.

5.5. Кузатув кенгаши акциядор (акциядорлар) томонидан берилган аризалар ушбу низомнинг 5.1. бандида белгиланган муддатга роя этилмаган ҳолда берилган бўлса;

-акциядор (акциядорлар) жамиятнинг камида бир фоизлик овоз берувчи акцияларга эга бўлмасалар;

- ушбу низомнинг 5.3. бандида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;

-берилган ариза Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса рад этиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

5.6. Кузатув кенгашининг номзодларни рад этиш тўғрисидаги асослантилган қарори ариза тақдим этган акциядорга (акциядорлар) кузатув кенгаш томонидан ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 3 иш кунидан кечиктирмай юборилади.

6. Тафтиш комиссиясини сайлаш

6.1. Тафтиш комиссияси жамият Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга сайланади. Тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айтиб ўтиш керакки, тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

6.2. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир номзодига алоҳида-алоҳида овоз берилади.

6.3. Тафтиш комиссиясининг ваколатлари Умумий йиғилиш қарорига асосан муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

6.4. Тафтиш комиссиясининг аъзоси хоҳлаган вақтда ўз фаолиятини Тафтиш комиссиясини олдиндан ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда тўхтатишга ҳақли.

Тафтиш комиссиясининг ваколати яна қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин:

Ўз мажбуриятларини жисмоний жиҳатдан бажаришнинг имкони бўлмаса (оламдан ўтиши, бирор бир касаллик оқибатида ишлашнинг имконияти йўқлиги, йўқолган деб эълон қилиниши ва х.к.);

Тафтиш комиссияси аъзосининг Ижроия органи аъзолигига сайланиши (Кузатув кенгаши ва х.к.)

7. Тафтиш комиссиясининг таркиби

7.1. Тафтиш комиссияси 3 (уч) кишидан иборат бўлиб, Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ 1 (бир) йил муддатга сайланади.

7.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоси сифатида исталган акциядор ёки унинг исталган вакили бўлиши мумкин.

7.3. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Кузатув кенгашининг аъзоси ёки жамиятда бирор бир лавозимда тўғридан-тўғри ёки шартнома асосида ишлаши мумкин эмас.

7.4. Агар умумий йиғилишда овоз бериш яқунлари бўйича Тафтиш комиссияси аъзолигига номзоди кўрсатилган шахс жамият бошқарув органининг яна бошқа лавозимларига сайланган бўлса, у ҳолда номзод хоҳлаган лавозимни танлашга ҳақли.

7.5. Тафтиш комиссияси раиси Тафтиш комиссияси аъзолари орасидан уларнинг кўпчилик овози билан сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари ўз раисини хоҳлаган вақтда қайта сайлашлари мумкин.

7.6. Тафтиш комиссияси Раиси, комиссия ишини ташкил этади, йиғилишларни чақиради ва унда раислик қилади, йиғилишларда баённома юритилишини таъминлайди, Тафтиш комиссияси номидан чиқаётган барча ҳужжатларни имзолайди.

8. Тафтиш комиссиясининг йиғилиши

8.1. Тафтиш комиссияси ўз йиғилишини вазиятга қараб хоҳлаган вақтда чақирishi мумкин. Тафтиш комиссиясининг йиғилиши тасдиқланган

жадвалга асосан, текширувлар бошланишида ва улар яқунлари бўйича ўтказилиши мумкин.

Тафтиш комиссияси аъзоси Тафтиш комиссияси раисидан зарур бўлганда зудлик билан комиссия йиғилишини чақиришни талаб этиши мумкин.

8.2. Тафтиш комиссиясининг барча йиғилишлари бевосита иштирок этиш шаклида ўтказилади.

8.3. Тафтиш комиссияси йиғилиши ушбу йиғилишда иштирок этаётган комиссия аъзоларининг камида учдан икки қисми қатнашганда қонуний ҳисобланади.

8.4. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Тафтиш комиссиясининг қарорлари, далолатномалари ҳамда ҳулосалари кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Агар овозлар тенг бўлиб қолганда, Тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал этувчи бўлиб ҳисобланади.

8.5. Қабул қилинган қарордан норози бўлган тафтиш комиссияси аъзоси ўз фикрларини жамиятнинг бошқарув органларига ёзма равишда беришга ҳақли. Бундай ҳолатда тафтиш комиссияси ушбу аъзосининг фикрлари тафтиш комиссияси баённомасига ёзиб қўйилади.

8.6. Тафтиш комиссияси йиғилишида баённома юритилади ва у тафтиш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

йиғилиш ўтказилган сана, вақт ва жой;

йиғилишда иштирок этган шахслар исми шарифи;

йиғилишда кўриб чиқилган масалалар, овоз бериш яқунлари ва улар бўйича қабул қилинган қарорлар;

Баённомани имзолаган барча шахслар ундаги маълумотларни тўғри ва ишонлилигига жавоб берадилар.